ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 30 (9.680) 2002 йил 15 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда

**Юртимизда Наврўз нафаси**

***Халқимизнинг «Ҳашар — элга ярашар» деган ажойиб нақлига амал қилиб, азим Тошкентимизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!***

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



## Ислом Каримовнинг Жорж Буш билан учрашуви

**Вашингтон. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

12 март куни Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият, хавфсизлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Оқ уй раҳбари АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш тарафдори эканини таъкидлади. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши кураш, иқтисодиётни юксалтириш, эркин демократик жамият барпо этиш жараёнида АҚШ билан шерикликни кучайтириш Ўзбекистон учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Очиқлик, ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтган ушбу мулоқот чоғида президентлар икки томонлама алоқалар ва умуман, халқаро аҳамиятга молик ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Президент Ислом Каримов шу куни АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман ва бошқа расмий кишилар билан ҳам учрашди.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимларга имзо чекди. Колин Пауэлл мазкур ҳужжатлар томонларнинг мустаҳкам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилишидан далолат эканини таъкидлади.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳам қабул қилинди. АҚШ Эксимбанки Ўзбекистонга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 55 миллион доллар ажратадиган бўлди.

Қабул қилинган ҳужжатлар орасида, айниқса, Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро муносабатларимизда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжат давлатларимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек, ҳуқуқ ва хавфсизлик соҳаларида алоқаларни кучайтириш тарафдори эканини билдиради.

**СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш билан.**

**Абдувоҳид Тўраев олган сурат.**

**Вашингтон. 13 март. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Блэйр хаус» қароргоҳида АҚШнинг етакчи газета ва журналлари муҳаррирлари билан учрашди. Унда Марказий Осиёдаги вазият, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва АҚШ билан ҳамкорликка оид мавзуларда сўз борди. Президентимиз америкалик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ислом Каримов Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашди. Мулоқот чоғида банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этишда ушбу муассасанинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан кейин Ислом Каримов АҚШ Конгрессига келди. Аввал Вакиллар палатаси, кейин Сенат вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда АҚШ парламенти вакиллари Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Америкалик қонунчилар АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари фаол, кўп қиррали ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши лозимлигини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд билан учрашди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишни янада кучайтиришга келишиб олди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Нью-Йорк. 14 март. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Кеча Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бугун эрталаб Нью-Йорк ҳокими Майкл Блумберг билан учрашди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қаҳва, шакар, металлар каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью-Йорк биржасидаги олди-сотдига бевосита боғлиқдир.

Ислом Каримов ҳоким билан учрашуви чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М.Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон-АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Нью-Йорк ҳокими билан бирга Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гул қўйди. Американинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М.Блумберг мамлакатимиз Президентига АҚШни, у билан иттифоқликда терроризмга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади. Жаҳон савдо марказига уюштирилган ҳужумдан биргина АҚШ жабр кўрмади. Кўпгина бошқа мамлакатлар фуқаролари баробарида бу ерда икки нафар ўзбекистонлик ҳам ҳалок бўлган эди. Шунинг ўзи террор чегара билмаслиги ва миллат танламаслигини, унга қарши ёппасига курашмоқ лозимлигини англатади.

Диний экстремизм ва террорчилик муаммолари Ислом Каримовнинг АҚШ Олий ислом кенгаши раиси шайх Қаббоний билан учрашувида ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

**Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши тузилсин.

Мувофиқлаштириш кенгаши республикада илмий-техникавий фаолият соҳасидаги мувофиқлаштирувчи юқори орган эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан бошқарилиши белгилаб қўйилсин.

2. Мувофиқлаштириш кенгаши таркиби тасдиқлансин.

3. Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг устувор йўналишларини иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ривожланишининг стратегияси, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболли таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда белгилаш;

мамлакат манфаатлари ва давлатимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳалар бўйича экспертизалар ташкил этиш ва экспертиза хулосаларини тасдиқлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устувор йўналишларига мос келувчи йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар бўйича йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш;

**(Давоми 2-бетда)**

## ПОЙТАХТНИНГ ЯНГИ КОШОНАЛАРИ



**Гўзал пойтахтимизда Наврўзи олам арафасида яна бир қатор кошоналар қад кўтарди. Ана шундай кошоналардан бири Тошкент Давлат консерваториясининг янги биноси ва Чилонзор туманидаги 1-республика клиник касалхонаси қошидаги Давлат шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказидир.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

# Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

янги инновациявий илғор ғояларни илгари сурувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли йўналишларни мунтазам кузатиб борувчи ҳамда мамлакат манфаатлари йўлида қўллай олишга қодир иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.

4. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида унинг ижроия органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишлари бўйича қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этиш;

Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан белгиланган илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари доирасида йиллик илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловлар уюштириш ва ўтказиш;

интеллектуал салоҳиятдан ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ажратиладиган молиявий маблағлардан максимал даражада оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида республика илмий муассасалари фаолиятини мунтазам таҳлил этиб бориш;

илм-фан ривожи ва инновация фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича мунтазам иш юритиш ва бунда долзарблигини йўқотган мавзуларни тугатиш ҳамда илмий-техникавий тараққиёт тақозо этаётган янги тадқиқотлар олиб боришга доир таклифлар киритишни назарда тутиш;

мақсадли грантлар ажратиш, чет давлатларда стажировкадан ўтишни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланган ҳолда иқтидорли, истиқболли олимларнинг касбий малакаларини ошириш учун шарт-шароит яратиш;

илмий-техникавий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш, иқтисодиётнинг муайян соҳаси корхоналари раҳбарларининг инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни молиялаш ва биргаликда молиялащдан манфаатдорлигини оширувчи рағбатлантириш усулларини яратиш;

илм-фан ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, ҳомийлар маблағларини ва грантларни жалб этиш.

5. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларининг холис, мустақил экспертизасини уюштириш, техник жиҳатдан таъминлаш ва ўтказиш;

юқори малакали олимлар ва мутахассислар орасидан мустақил экспертлар хусусидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш;

амалга оширилаётган йирик илмий тадқиқотлар ва инвестиция лойиҳалари бўйича жорий ва якуний ҳисоботлар мониторингини олиб бориш;

Мувофиқлаштириш кенгашига олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ва ишлаб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги, уларнинг самарадорлиги ва сифатини янада оширишга доир таклифлар киритиш.

6. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

устувор инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

хорижий ва мамлакатимиздаги ҳомийлар бадаллари;

халқаро грантлар;

корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, идоралар, корхоналарнинг мақсадли инновация лойиҳалари учун мўлжалланган маблағлар;

молия институтлари, жумладан, хорижий институтларнинг имтиёзли мақсадли кредитлари.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш вазифаси Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига, Жамғарма ҳисоб рақамлари бўйича тезкор хизмат кўрсатиш эса Фан ва технологиялар марказига юклатилсин.

7. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Мувофиқлаштириш кенгаши ва Марказ Ўзбекистон Республикасидаги фақат устувор, стратегик илмий-техникавий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг мувофиқлаштирилиши ва маблағ билан таъминланишини амалга оширади, идоравий ва соҳага оид илм-фанни бошқариш билан боғлиқ масалалар эса тегишли давлат ва хўжалик ҳисобидаги тузилмалар ихтиёрига берилади;

2002 йилдан бошлаб илмий муассасаларга бюджет маблағларини илмий жамоанинг Марказ ёхуд тегишли бюджет тузилмаси билан муайян илмий буюртмани бажариш учун эълон қилинган танлов натижаларига кўра грант шартномаси асосида бериш тартиби жорий этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги ва ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника ахбороти фонди қошидаги Республика илмий-техника кутубхонасини бирлаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ташкил этиш тўйрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 18 февралдаги 345-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 20 февраль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

# ШАРҲ

Ҳозирги замон шароитида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, дунё илмий-техникавий тараққиёти суръатларига нечоғлик мувофиқлиги, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон тарихан олганда тадқиқотлари натижалари цивилизациянинг кўп асрлик тараққиётини олдиндан белгилаб берган, табиий ва гуманитар соҳада жаҳонга буюк алломаларни инъом этган, дунё тан олган илмий мактабларнинг вориси сифатида бугунги кунда ҳам мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодир улкан илмий салоҳиятга эга.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига мос равишда изчил, босқичма-босқич такомиллаштириш орқали мамлакат илмий-техника салоҳиятини янада ривожлантиришни таъминлаш — бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бу, умуман олганда, республика илмий-тадқиқот салоҳиятини Ўзбекистон, унинг иқтисодиёти ва ижтимоий-гуманитар соҳаси манфаатларига жавоб берадиган масалаларни ҳал этишга йўналтириш имконини яратди.

Айни пайтда, ислоҳотлар чуқурлашгани сайин, илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш тизимида сақланиб қолган эскича ёндашувлар мамлакатнинг технологик тараққиётига салбий таъсир этмоқда, илмий-техникавий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда. Бу фанни «режалаштириш»га бўлган уринишлар давом этаётганида, фан ва истеъмолчиларнинг илмий натижаларга нисбатан замонавий бозор муносабатлари талаб этаётган ўзаро манфаатдорлик механизмларини топа олмаслигида, илмий дастурлар ва технологик ишланмаларнинг холис ва мустақил экспертизаси мавжуд эмаслигида намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат аслида ўн йиллар олдин бошланган ва кўпинча мамлакат иқтисодиёти тараққиёти ва унда рўй бераётган таркибий ўзгаришлардаги устуворликлар билан суст боғланган илмий-тадқиқот ишлари пайдо бўлиши ва амалга оширилишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси илмий-тадқиқот муассасаларини базавий даражадан молиялашдек нотўғри амалиёт давом этаётгани билан бир қаторда илмий-техникавий фаолият ташкилий тузилмасининг замонавий шароитларга номувофиқлиги, интеллектуал ва моддий ресурсларнинг йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш имкони йўқлиги, таклиф этилаётган илмий дастурларнинг муқобили мавжуд эмаслиги боис мамлакат илмий-техникавий тараққиётига ғов бўлмоқда, миллий-илмий салоҳият ривожини сустлаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимиз илмий ва технологик салоҳиятини тараққий эттириш ва ундан тўлиқ фойдаланишнинг тубдан янги ёндашувлари ва ташкилий шакллари давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар, демократик институтлар тараққиёти ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда белгилаб берилган.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши таъсис этилиши мамлакатда илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш савиясини илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг юксак замонавий талабларига тўла мос келадиган даражага кўтарувчи ўта муҳим қарордир. Тамомила янги, олий даражада мувофиқлаштириш ваколатларига эга маслаҳат органи ташкил этилди. У иқтисодиётни ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ва жамиятимиз тараққиётини таъминлашнинг стратегик вазифалари ва устуворликларидан келиб чиқиб, фан ва технологиялар соҳаси учун қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифаларни белгилайди, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалий фойдаланишни таъминлаш учун зарур шароит яратади.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишнинг мазкур янги тузилмаси мамлакатимизнинг миллий манфаатлари учун энг муҳим бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган йирик илмий дастурлар, технологик ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун интеллектуал кучлар ва моддий ресурсларни бирлаштириш ва жамлаш борасида кенг имкониятлар яратади. Мавзу бир хиллиги ва майдалашувига барҳам беради. Фанлараро ва идоралараро тўсиқларнинг бартараф этилишини таъминлайди. Илғор ғояларни кўтариб чиқаётган, дунёвий илмий ютуқлар даражасида фаолият кўрсатаётган, истиқболли илмий натижаларни мамлакат манфаатлари учун қўллай оладиган иқтидорли олимларни амалда тўғридан-тўғри қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш учун йўл очади.

Мавжуд илмий ташкилотларни уларнинг фаолияти нечоғлик мақсадга мувофиқ эканлиги ва қўшаётган амалий ҳиссасини инобатга олмай, базавий молиялаштиришдек давом этиб келаётган эскича ёндашувдан воз кечиш, мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари, технологик ва инновация лойиҳаларини молиялашда ижрочиларни танлов асосида аниқланадиган илғор грант тизимига ўтиш — илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишга қаратилган янги тузилманинг энг муҳим тамойилидир.

Фармонга мувофиқ Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилиши замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишни ислоҳ қилиш амалда тўлиқ мантиқий якунига етказилишини таъминлайди. Кенгашнинг асосий вазифаси йирик илмий инвестиция лойиҳаларининг холис, мустақил экспертизасини йўлга қўйиш, техник жиҳатдан таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган йирик, илмий-тадқиқот ва инвестиция лойиҳалари бўйича жорий ва якуний ҳисоботлар мониторингини олиб боришдан иборат.

Илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш амалиётига илк бор мустақил, холис, таркибида энг малакали олим ва мутахассисларни бирлаштирган орган жорий этилмоқда. Мазкур орган «абадий», замон талабларига мослаштирилиб, шаклу шамойили ўзгартирилган илмий мавзулар ва эскирган қарашлар мавжудлигига барҳам беради. Фанда чинакам демократик қарашлар, илмий ғоялар ва тадқиқотлар натижаларининг қадр-қиммати ва истиқбол аҳамиятига эга эканлигини аниқлашда ошкораликнинг ҳақиқий тамойилларини амалга оширади. Илмий даражаси, ёши ва турар жойидан қатъи назар иқтидорли, ташаббускор ва изланувчан олимларнинг фаол ишлаши учун йўл очиш, мураккаб технологияларга асосланган илмий тадқиқотлар ва инвестиция лойиҳаларини амалда қўллаш борасида турли таваккалчиликларни камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўзда тутилган илмий-техникавий фаолиятни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларда мамлакатимиз ва хориждаги ижобий тажриба инобатга олинган. Жумладан, Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси тузилади, уни шакллантиришнинг хилма-хил манбалари белгиланган. Бу чора-тадбир Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимизда яратилган ҳамда халқаро инновация жамғармалари ва ривожланган демократик давлатларнинг шундай ташкилотлари томонидан тан олинган инновация илмий-техника фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини анча юқори босқичга кўтаради. Жамғарма фаолиятининг юксак даражада ташкил этилиши ва молиявий имкониятларининг кенгайтирилиши олимлар, ижодий фикрлайдиган, юқори малакали мутахассислар, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги янгича тафаккурли раҳбарлар учун инновация жараёнида амалий иштирок этиш ва илмий-техника тараққиётига ҳисса қўшиш борасида ғоят қулай шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва мамлакатимизни ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари билан узвий боғланган бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Фармонда қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ ва аниқ ижроси Ўзбекистон интеллектуал ресурсларининг изчил ривожланиши, илмий-техника салоҳиятининг кучайиши ва пировард натижада мамлакатимизнинг жадал иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти кафолатидир.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Қашқадарё вилоятидаги «Шаҳрисабздон-халқ ризқи» акциядорлик жамияти қошида қўшма «Шаҳри-кеш» ўзбек-турк корхонаси ташкил этилди.

• Тошкент биржа марказида кичик ва ўрта бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш усулларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• **Эртага** бутун мамлакатимизда баҳор ва гўзаллик айёми — Наврўз байрами муносабати билан умумхалқ ҳашарлари бўлиб ўтади.

• Термиз тиббиёт коллежида тест маркази ишлай бошлади.

• **Кеча** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида украин адабиётининг классиги Тарас Шевченко хотирасига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

• Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 666 йиллигига бағишлаб Самарқанд вилоятидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ўртасида Амир Темур жамғармаси соврини учун кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

• **Кеча** Чирчиқда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бошланди. **Эртага** ғолиблар аниқланади.

### Жаҳонда

• Дунёнинг кўҳна шаҳарларидан бири — Бухоро ЮНЕСКОнинг «Шаҳарлар тинчлик учун» мукофоти лауреати бўлди. Ғолибга сертификат ҳамда 25 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот тақдим этилади.

• ГФР пойтахти Берлинда ўзбек кураши тақдимоти бўлиб ўтди. У мутахассислар, спортчилар ва томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

• **Бугун** Барселонада Европа Иттифоқи мамлакатларининг саммити ўз ишини бошлайди. Бу ерда саммит қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кучли муҳофаза тадбирлари кўрилган.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил Бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арофатни зўравонлик авж олишига йўл қўймасликка чақирди.

• Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана яна бир воситачилик иши билан Югославия пойтахти Белградга келди.

• Югославиянинг янгича — Сербия ва Черногория номи билан аталиши юзасидан битим қабул қилинди. Энди ана шу битимни Сербия, Черногория ва Югославия парламентлари ратификация қилиши керак.

• **Бугун** Хитой Халқ Республикасининг юқори мартабали ҳарбий делегацияси Қирғизистон пойтахти Бишкекка ташриф билан келади.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Фаластин давлатини мустақил деб кўрсатилган резолюция лойиҳасини маъқуллади. Ушбу резолюцияга БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 14 аъзоси ижобий овоз берган.

• Зимбабведа Президент сайловларининг расмий натижалари эълон қилинди. Унда мамлакатнинг ҳозирги Президенти Роберт Мугабе 50 фоиздан зиёд овоз олган.

• **Бугун** Тожикистонда қуролли тузилмаларнинг штаб машқлари бошланади. Унда террорчиларга қарши кураш йўллари машқдан ўтказилади.

• Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммад расмий ташриф билан Москвага келганида икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, Россия раҳбарияти билан халқаро муаммолар ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги вазият хусусида фикр алмашишни режалаштирган.

• Япония суди «Япония Қизил армия» гуруҳининг собиқ аъзоси Иосими Танакани 12 йилга озодликдан маҳрум қилди. У бундан 32 йил аввал 1970 йил 31 мартда 8 нафар шериги билан биргаликда Токиода Фукуока шаҳрига учаётган самолётни қўлга олиб, КХДРга учишга мажбур этганликда айбланган. Ўшанда 129 нафар йўловчи тан жароҳати олган эди. 53 ёшли Танака айбни тўлиқ тан олган.

• Япония округ суди Япония ташқи ишлар вазирлигининг собиқ мансабдори Кацутоси Мацуони хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун 7 йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилди.

• **Эртага** Боливия пойтахти Ла-Пасда кураш бўйича 1-тарихий Пан Америка чемпионати бўлиб ўтади. Унда қатнашадиган спортчилар 73, 90 килограмм ва мутлоқ вазн тоифаларида ўзаро куч синашадилар.

• **Кеча** Таиландда Фил куни нишонланди. Шу муносабат билан мамлакатнинг турли шаҳарларида маросимлар бўлиб ўтди. Маълумки, филлар таиландликлар турмушида муҳим ўрин тутади. Улар урушларда ва шаҳарлар қурилишида қатнашган. Бугун филлар мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратмоқда.

## Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ.

● Ҳалоллик — ҳар қандай мартабани безайди.

● Бир умр бахтли бўлишни истасанг — ҳалол одам бўл.

● Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.

● Ҳотамдан сўрадилар:

— Ўзингдан кўра сахийроқ кишини кўрганмисан?

— Ҳа, бир куни бир йигитнинг уйига тушдим. Унинг ўнта қўйи бор экан. Дарҳол бир қўйни сўйди, пишириб олдимга қўйди. Қўйилган гўштнинг бир бўлаги менга ёқди, шунисини едим ва: «Эҳ, қандай яхши-я», — дедим. У йигит ташқарига чиқди. Бирин-кетин қўйларни сўяр, гўштининг ўша мен яхши кўрган жойини пиширар ва келтириб олдимга қўяр эди. Мен бу воқеадан бехабар эдим. Отга миниш учун ташқарига чиқдим. Қарасам ҳовлида кўп қон тўкилган. «Ўзи нима гап?» — деб сўрадим. У: «Ҳамма қўйларни сўйдим» — деди. «Нега шундай қилдинг?» — деб койидим. Айтди: «Қизиқ гап, сенга ёққан бирор нарса менда бўлса-ю, уни кўзим қиймаса».

Ҳотамдан сўрадилар:

— Сен унинг бу иши эвазига нима бердинг?

— Қизғиш ва оқ рангли 500 қўй бердим, — деди.

— Демак, сахий эмассан, — дедилар.

— Қаранг-а, у бор нарсасининг ҳаммасини берди. Мен бўлсам бор нарсамдан озгинасинигина бердим, — деди.

Байт:

**Тилинг билан кўнглингни бир тут,**
**Кўнгли ва тили айтқон сўзга бут.**

● Софдил ва покиза ниятли кишилар доимо ўзларига ўхшаган яхши одамлар билан суҳбатдош бўлади. Яхши киши ёмон улфатларга қўшилиб қолса бора-бора уларнинг хулқига ўрганиб, ёмонга айланади. Шуни унутмаслик керакки, одил кишилар бировга баҳо бераётган кишининг дўстлари ким ва қандай одамлар эканлигини суриштириб, шунинг ўзидаёқ кишининг яхши ёки ёмон эканини билиб оладилар. Бунга қуйидаги масал яхши далилдир.

Бир деҳқон ўрдак ҳамда бошқа қушларни овлаётган эди. Ногоҳ содда табиатли лайлак қўлга тушиб қолди. Бечора зор-зор йиғлаб ўзини озод қилишини, ота-боболари доимо одамзотни ҳурмат қилиб келганини, заҳарли ва зарарли жониворларни йўқотишда одамларга ёрдам қилиб келганини айтиб, такрор-такрор илтимос қилди.

Деҳқон унга:

— Сенинг барча гапларинг тўғри, буни мен жуда яхши биламан. Лекин сен ёмон улфатлар билан суҳбатдош эдинг, демак сен ёмон улфатлар билан шериксан, — деди.

● Ҳар бир инсон қудрати ва истеъдоди кўтарадиган ишга қўл урмоғи керак. Ўз ақлу идроки ва кучига қараб иш тутмаган киши эл орасида кулгу бўлиб қолади.

ҲИКОЯТ: бир бургут қўйнинг боласига ҳамла қилиб, чангали билан кўтариб, учиб кетди. Буни кузатиб турган ўрмон қарғасининг ҳаваси жўш уриб, бургутга тақлид қилмоқчи бўлди ва ўтлаб юрган қўйга чанг солди. Бироқ панжалари қўйнинг жунига илиниб қолиб, қанча уринмасин чиқара олмади. Чўпон келиб, уни тутиб олди ва болаларига ўйин қилиб бериш учун уйига олиб кетди. Болалар қарғани кўриб отасидан: «Бу қушнинг номи нима?» деб сўрашди. Отаси: «Унинг оти қарға эди, бироқ бундан ярим соат олдин ўзини бургут деб тасаввур қилди. Мана энди ўзининг ким эканлигини билиб турган бўлса керак», деб жавоб берди.

● Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Суқротни айблади. Суқрот унга:

— Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мумкин. Аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан, — деди.

Бойлардан яна бири Суқротга:

— Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан, — деди, Суқрот эса унга:

— Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг, деб жавоб берди.

● Тўғрилик одамни балодан қутқаради.

Байт:

**Агар кишига учта иш одат эрур,**
**Анга ҳамдам хуш саодат эрур.**
**Аввало эл айбини кўрган замон,**
**Очмагай оғзин маломатга шу он.**
**Ким агар кетса нотўғри йўл билан,**
**Тўғри йўлга бошла дарҳол қўл билан.**
**Солма асло ранж элнинг дастига,**
**Ўз юкинг қўйма бировнинг устига.**

# Ассалом, футбол баҳори!

**Эртага мамлакатимизнинг еттита шаҳрида олий лига жамоалари ўртасида XI мамлакат чемпионати баҳслари бошланади.**

## «Пахтакор»: хайрли анъаналар тикланади

**Республикамизнинг энг севимли жамоаси бўлмиш «Пахтакор»нинг ўтган йили мамлакат чемпионатида кумуш нишонлар соҳиби бўлганлиги ва биллур совринни қўлга киритиши ишқибозларни беҳад қувонтирди. Бинобарин, хайрли анъаналарни тиклашга собитқадамлик билан интилаётган «Пахтакор» жамоаси раҳбарияти ва ўйинчилари таркиби бу йил деярли тўлалигича янгиланди, жамоа ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар салмоғи янада ошди. Бизнинг «Пахтакор» жамоасининг бош мураббийси Виктор Жалилов билан суҳбатимиз ҳам жамоанинг янги мавсумга тайёргарлиги, унинг режалари ҳақида бўлди.**



**— Виктор Романович, айтингчи «Пахтакор» жамоаси янги мавсумга қандай режа ва умидлар билан қадам қўймоқда?**

— Албатта, ўтган мавсумдаги эришилган муваффақиятлар бизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Яъни бу йил ҳам мамлакат чемпиони, ҳам Кубок соҳиби бўлишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бундан ташқари, йигитларимизни мамлакат ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоаларимизга тайёрлаш устида ишламоқдамиз. Зеро, келаси йили 2004 йилги олимпиадага саралаш баҳслари ҳам бошланади. 1981-83 йилларда туғилган йигитлар олимпия, 18-19 ёшли футболчилар ёшлар, 1984-1985 йилларда туғилганлар ўсмирлар терма жамоасида тўп суради. Қувонарли томони шундаки, командамизнинг асосий ва ўринбосарлар таркибида ҳар учала ёш тоифасига мос 7-8 нафардан йигитларимиз бор.

Ишқибозларни жамоа раҳбарияти ва ўйинчилари таркибидаги ўзгаришлар қизиқтиради.

— Бу йил жамоамизга кўпчилик ёш, умидли футболчиларни таклиф этган бўлсак-да унинг асосий ўзаги сақлаб қолинди. Яъни ҳимояда Б.Ашурматов, Қ.Утабоев, ярим ҳимоя чизиғида А.Власичев, Б.Сейткамолов, Л.Кошелев, ҳужумда А.Солиев, Н,Қуттибоевлар тўп сурмоқда.

Режадаги ишларимизни адо этиш учун жамоамизга кўпгина умидли ўйинчиларни таклиф этдик. «Самарқанд»дан Нестеров, «Зарафшон»дан Кирьян, «Нефтчи»дан Копадзе, «Академия»дан ака-ука Тожиевлар, Никитков ва Крушельницкий, Ашгабатнинг «Копетдоғ» жамоасидан Гочкулиев ва Бутенколар шулар жумласидандир.

Мураббийлар сифатида Анвар Рашидов ва Рауф Инилевларни жалб этдик.

**— Мавсумга тайёргарлик қандай кечди?**

— Яқинда Туркиядан навбатдаги тайёргарлик босқичини ўтаб қайтдик. Анталия шаҳрида ўқув-машқ йиғинлари учун барча шарт-шароитлар кутилганидан зиёда бўлди. Бу ерда биз истиқомат қилган беш юлдузли меҳмонхонага қарашли тўртта футбол майдони, тренажерлар, сув ҳавзаси, югуриш учун боғ ҳудудидан унумли фойдаландик. Охирги ўйинларда йигитларимиз ғалабага бўлган кучли ишонч ҳислатларини намоён этишди. Энг муҳими, мавсумга тайёргарлик бўйича барча режаланган ишларимиз амалга ошди. Бу борада жамоа раҳбарияти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўрсатган ёрдамдан беҳад миннатдормиз.

**— Янги мавсумда омад ёр бўлсин.**

**Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.**

МУСОҲАБА

## «Трактор» мавсумга тайёр

**Ўтган йилги X-миллий чемпионатда 11-ўринни эгаллаган «Трактор» жамоаси жорий йилда ўз олдига қандай мақсадларни қўйган? Жамоа мавсумга қандай тайёргарлик кўрди? «Трактор»ни футболчилардан кимлар тарк этдию кимлар жамоа таркибига келиб қўшилди? Мухбиримиз «Трактор» жамоаси бош мураббийси Мирзоҳид Ғуломов ҳузурида бўлиб ундан юқоридаги саволларга жавоб олди:**

— Бошланаётган XI-мавсумга жамоамиз футболчилари тайёргарликни ўтган йили 25 декабрдаёқ чигалёзди машқларини бажариш билан бошлаб юборгандилар. 3 январдан эса Қибрай спорт мажмуида икки маҳалдан ўқув-машғулот йиғинлари ўтказилди. Дарвоқе, мамлакатимизнинг олий ва биринчи лигадаги жамоалари билан бир нечта ўртоқлик учрашувларида футболчиларимиз фақат ғалаба учун майдонга тушишди. Шуни айтиш жоизки, ҳозирда футболчиларнинг кайфияти аъло. Тўғри ака-ука Александр, Сергей Топовлар ҳамда моҳир ҳимоячимиз Александр Хвостунов, дарвозабон Олег Қаҳҳоровлар «Трактор»ни тарк этишди. Аммо уларнинг ўрнини иқтидорли ёш футболчилар дарвозабон Альфред Шарипов, Эдуард Ткаченко, Раҳматжон Эргашев, Аъло Ориповлар эгаллашди. Дарвоқе, «Трактор» футбол мактаби тарбияланувчилари Анзур Исмоилов, Антон Моиранов, Саидаъло Акбаров, Ангрен футбол мактабидан Музаффар Умрзоқовлар ҳам жорий йилда «Трактор» шарафини ҳимоя қилишади. Ўтган йилги мавсумда нотекис ўйин намойиш этиб мухлисларимизни қувонтира олмаган бўлсакда, жорий йилда кучли саккизликдан ўрин эгаллашни жамоамиз ўз олидига мақсад қилиб қўйган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### ЎҒРИ

Бир киши тонгда ҳаммомга йўл олди. Йўлда яқин дўстини учратди ва ундан: «Сен ҳам ҳаммомга бормайсанми?» деб сўради.

«Ҳаммомгача сенга ҳамроҳ бўламан, сўнг муҳим иш билан бошқа ерга бораман», деб жавоб берди дўсти.

Улар ҳаммом томон кетдилар. Ҳаммомга яқинлашганларида у кишининг дўсти ўз йўлига бурилиб кетди. Шу пайт кишининг орқасидан бир ўғри келаётган эди. У киши ҳаммом эшигига етгач, орқасига қаради. Ҳали тонг отмаган қоронғи эди. У киши ўғрини кўриб, ўз дўстим бўлса керак, деб ўйлади. Шундан сўнг, хожа ёнидаги юз динор қизил олтин солинган ҳамённи ўғрига бераркан, буни омонат сақлаб тур, ҳаммомдан чиққанимдан сўнг қайтариб берарсан, деди-да, ҳаммомга кириб кетди. Хожа ҳаммомдан қайтиб чиққанда кун ёришган эди. Ўз уйига кетмоқчи бўлиб, йўлга равона бўлган ҳам эдики, ўғри унинг йўлини тўсиб: «Эй хожа, мендан ҳамёнингни қайтариб ол!» деди. Хожа ўғрига қаради ва ўғрининг қўлида ўз ҳамёнини кўриб: «Сен кимсан?» деб сўради. «Мен нонталаб, томтешар, киссабур ўғриман», деб жавоб берди.

— Мен ҳамёнимни сенга топширган эканман, нима учун олиб кетмадинг?

— Агар ўз санъатим билан ёнингдан кесиб олганимда эди, у ҳолда сенга қайтариб бермас эдим. Аммо сен ҳамённи менга омонат топширдинг. Бинобарин, омонатга хиёнат қилмоқ раво эмасдур. Омонатни сақласангу пасткашлик қилсанг ҳаргиз яхши бўлмайди.

МУҲАММАД АВФИЙ

# ЖАВОМИЪ УЛ-ҲИКОЁТ

### ҲАМЁН ЙЎҚОТГАН САВДОГАР

Бир савдогар Каъбатулло зиёратига боришга жазм қилди. Бинобарин, йўл харажати ва тижорат учун бироз маблағ, яна уч минг динорли бир гавҳарни ҳам қўшиб ҳамёнга тугиб, белига боғлаб йўлга тушди. Йўлда нафс тақозоси билан таҳорат қилмоқ учун тўхтади. Белидаги ҳамённи ечиб ерга қўйди. Ҳожатдан фориғ бўлгач, ҳамённи ўша ерда унутиб қолдириб, йўлга равона бўлди. Бир оз юргач, ҳамён эсига тушиб орқасига қайтди. Аммо ҳамённи қолдирган жойида топмади. Бироқ бошқа мол-мулки борлиги туфайли ҳаж йўлидан қайтмади ва йўқолган маблағга унча ачинмади. Ниҳоят, ҳаж русумларини адо қилиб, ўз ватанига қайтди. Турли-туман машаққатларга дучор бўла бошлади. Чунончи қаерга тижорат учун бормасин, ўз зиёнига ҳал бўлар ва қайси тарафга мақсад ўқин отмасин, барибир хатога кетарди. Оз муддат ичида мол-мулкидан ажралди.

Аввалги бойликдан ҳеч нарса қолмади. Дўст-душман олдида изза ва шарманда бўлишдан қўрқиб, ватани ва маскани билан видолашиб, хотинини ўзига ҳамроҳ қилиб тунда шаҳардан чиқиб кетди. Савдогар хотини билан кетиб бораркан, на аниқ бир мақсади ва на аниқ борадиган жойи бор эди. Мана шундай гумроҳлик билан манзил мароҳилларни босиб, ниҳоят бир қишлоққа кириб бордилар. Қишлоқда хароб ва вайрона сарой бор эди.

Савдогар ўша саройга жойлашди. Қиш фасли эди, бинобарин совуқнинг шиддатидан ёруғ жаҳоннинг барча кушойишлар эшиги бахиллар қўлидек ёпиқ эди. Савдогарнинг хотини ҳомиладор эди, шу кеча, иттифоқо, тўлғоқ тута бошлади. Саройда на чироқ ва на иссиқроқ жой бор эди. Савдогар ўз-ўзига дерди: «Ҳозир ҳасрат ва надоматнинг вақти эмас, бирор чора кўрмоқ даркор». Савдогар ана шундай хаёл ва андешада турганда хотини деди: «Чироқ ёқиб менинг учун бирор жой ҳозирлаб мени жойлаштирсанг-чи, ахир».

Савдогар ҳикоя қилади: «Менинг ёнимда ярим динор кумуш пулим бор эди. Дарҳол ўрнимдан туриб, қоронғида баққолнинг дўконига бордим. Кўп ялиниб-ёлвориб ўз ҳолимни унга баён қилганимдан сўнг, дўкон эшигини очди ва бир оз шакар билан ёғ берди. Мен ёғ билан шакарни косага солиб келтирдим. Йўл жуда ҳам лой эди. Мен минг хил ҳийла билан авайлаб келардим. Баногоҳ оёғим тошга тегиб, қоқилиб йиқилдим. Коса синиб, шакар билан ёғ ерга тўкилди. Назаримда гўё қиёмат қойим бўлди, бўғзимдан фарёд алангаси беихтиёр кўкка туташди. Овозим борича йиғлай бошладим. Зеро, ўз қадру қимматимга йиғлардим. Шу пайт нарироқдан бир кишининг овозини эшитдим:

— Эй шайх, сенга нима бўлдики ярим кечада фарёд чекиб одамларга уйқу бермайсан?

— Ҳозир хотинимни тўлғоқ тутиб азобда ётибди. Ёнимда ярим дирҳам пулим бор эди. Шунга бир оз шакар билан ёғ олиб келмоқда эдим. Йиқилиб тушдим ва коса синиб, ёғ билан шакар ерга тўкилди.

— Бу изтиробларнинг ҳаммаси фақат ярим дирҳам учунми?

— Эй хожа, ҳеч қачон таъна ва афсус қилмагинким, яратувчи ўз бандаларининг аҳволини ўзгартирувчиси ҳамдир. Бир вақтлар менинг ҳам катта сармоям ва ҳисобсиз мол-мулким бор эди. Ўшанда мен бир ҳамён йўқотган эдим. Ҳамёнда каттагина маблағ, шу жумладан уч минг динорга тенг жавоҳир бор эди. Аммо у вақтда йўқолган ҳамён учун ҳеч ғам емаган эдим ва изтироб ҳам чекмаган эдим. Бироқ ҳозир менинг қўлимда шу ярим дирҳамдан бошқа ҳеч нарса қолмаган. Бу ҳам талаф бўлди. Энди менда бошқа нақдина мол қолмади. Шунинг учун изтироб чекиб фарёд қилмоқдаман.

— Бери кел, ҳамёнинг сифатларини айт!

— Эй хожа, афсусланишнинг баҳридан кеч ва бечора мазлумлар ҳолига кулма!

— Бу сўзни таъна юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳамённи қачон қаерда йўқотганингни баён қил!

Мен унга ўз қиссамни бошдан охиригача баён қилдим. У киши мени ўз олдига чақириб, деди: «Менга маълум бўлдики сен тақдир тақозоси билан хўрланган ва бундай машаққатларга дучор бўлган киши экансан. Хотининг қаерда?» Мен манзилгоҳни кўрсатдим. У киши ўз хизматкорларидан бир нечасини юбориб бизни ўз саройига кўчириб келди ва ўз ҳарамидаги хотинлардан бир нечасини хотинимни парвариш қилишга буюрди. Эртаси кун менга деди:

— Алҳол, муайян бирор мақсадинг йўққа ўхшайди. Агар шу ерда турсанг ва менинг ёнимда бўлсанг, мен сенга сармоя берай, токи тижорат ишини давом эттиргин. Тижоратдан қўлингга бир оз давлат кирмоғи муқаррардур.

Мен розилик билдирдим. У киши менга уч юз динор берди. Мен бу пул билан тижорат ишини йўлга қўйдим. Оз кунда уч юз динор беш юз динорга етди. Мен беш юз динорни у кишининг олдига қўйдим. Ул киши менга қараб: «Энди сенга давлат келди, қўлингга сармоя кирди ва қашшоқлик машаққатидан қутулдинг. Агар ўша йўқотган ҳамёнингни кўрсанг танийсанми?» деди. Мен: «Албатта, танийман», деб жавоб бердим. У киши ҳамённи олиб чиқиб, менинг олдимга қўйиб, деди: «Ҳамён сеники эканлигини ўша куниёқ билган эдим, бинобарин ўша соатда ҳамённи сенга бермоқчи ҳам бўлдим. Бироқ сени ниҳоятда қашшоқ аҳволда кўриб, ўйланиб қолдим.

Агар шу аҳволингда ҳамённи берсам, ҳамённи эҳтиёжга қараб сарфлашга нафсинг қаноат қилмасди. Бинобарин, сенга ўз сармоямдан уч юз динор бердим, токи кўзинг тўйиб, қўлинг ўргангай. Мана энди ҳамёнингни ўз тасарруфингга олсанг бўлади...»

Мен ҳамённи оғзини очиб у одамнинг олдига қўйдим ва: «Қанча хоҳласанг шунчасини ол!» дедим.

У киши: «Эй хожа, неча йилдирким, мен бу ҳамён муҳофазасида эдим. Мана бугун худонинг иродаси билан мен бу кулфатдан халос бўлдим ва ҳақни ўз эгасига топширдим», деб олмади.

Мен унинг ҳақига дуо қилдим. Давлат ва иқбол яна менинг истиқболимга чиқиб, машаққатдан роҳатга етказди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-222. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.45 1 2 3 4 5 6

